

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига юклатилган вазифалар ва функциялари

№	Вазифа ва функциялар	Амалга оширилган ишлар
<p align="center">Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3416-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 8-банди ижроси юзасидан</p>		
<p align="center">I. Мамлакатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли сценарийларини ҳисобга олган ҳолда инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда давлат ва жамият қурилишига жорий этиш, шунингдек, жамият ва давлат тараққиётини таъминловчи илмий тадқиқотлар ва илғор технологияларнинг устувор ва истиқболли йўналишларини ривожлантириш стратегиясини белгилаш соҳасида</p>		
<p>1.</p>	<p>Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамият бошқарувини ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат хизматлари сифатини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни ўтказишни ташкил этади</p>	<p>Давлат ва жамият қурилишида илғор технологияларнинг устувор ва истиқболли йўналишларини ривожлантириш стратегиясини белгилаш борасида Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда давлат ва хўжалик бошқаруви, жамоат ташкилотлари истиқболли кадрларининг маълумотлар базасини шакллантиришга ҳамда давлат органлари ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги «Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3 йилда бир маротаба “Тараққиёт” республика танловини ўтказиш бўйича ПҚ-3755-сон қарори қабул қилинди.</p> <p>Мазкур қарорга асосан 3 йилда бир маротаба “Тараққиёт” республика танловини ўтказиш белгиланди. Мазкур танлов 16 номинация бўйича ўтказилади, барча иштирокчилар орасидан 50 танлов ғолиби ҳамда 100 та финалист иқтидорли бошқарувчи кадрлар танлаб олиниши режалаштирилган, улар ривожланган хорижий мамлакатларнинг соҳага оид ташкилотларида танловнинг тегишли номинациялари юзасидан стажировка ўташи ва давлат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларига тайинланади.</p> <p>2018 йил 1 октябрдан 30 октябргача танловга электрон рўйхатдан ўтказиш ва веб-порталда анкета тўлдириш ишлари олиб борилди. Жами бир ой давомида танловга талабгорлардан 8335та аризалар келиб тушди.</p> <p>Келиб тушган анкеталарни (Танловда таянч олий маълумотга ва тегишли соҳада раҳбарлик лавозимида камида 3 йиллик иш тажрибасига бўлган, 30 ёшдан 45 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши ҳамда бошқа шартларига) тўғри келгани учун 8335 анкетадан 3825 та иштирокчини танловга иштирок этиши учун комиссиянинг Ишчи гуруҳ томонидан саралаб олинди.</p> <p>2018 йил 25-30 ноябр кунлари республика бўйича анкетаси қабул қилинган 3825 нафар талабгорлар ўртасида уларнинг билим даражасини аниқлаш борасида ақлий салоҳият (IQ-test), психологик барқарорлик ва хорижий тилларни билиш даражаси бўйича 1-тур тест синовлари ўтказилди. Бўлиб ўтган тестда, жами бўлиб тестларда 3299 нафари иштирок этиб,</p>

		<p>комиссиялар томонидан юқори кўрсаткич кўрсатган талабгорларни танлаш жараёнида 2455 нафар кейиги босқичга ўтказилди.</p> <p>2018 йил 1-5 декабрь куни 2455 нафар талабгордан 2363 нафари иштирок этишди. Улар ўртасида ўтказилган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотлардан хабардорлик даражасини аниқловчи комиссия аъзоларининг тест синови натижаларига асосан юқори балл олган саралаш якуни бўйича 1356 нафар талабгорлар 3-босқичга ўтказилди.</p> <p>2018 йил 16 декабрда танловнинг 3-тури учун ҳар бир номинация бўйича муаммоли, амалиёт билан бевосита боғлиқ бўлган, талабгорларнинг тахлилий фикрлашини назарда тутувчи, ҳар бири 5 саволни қамраб олган мавзулар базасида ёзма тахлилий ҳужжат тайёрлаш босқичи ўтказилди. Уна ҳар бир 16 номинациядан 18 нафардан иборат талабгорлар танлаб олинди.</p> <p>2019 йил 20 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПП-4200-сон «Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 майдаги ПҚ-3755-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисидаги” Қарори қабул қилинди. Ҳозирги кунда танловнинг сўнгги якуний 4-босқичини ўтказишга тайёргарлик олиб борилмоқда.</p>
2.	<p>Давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудлардаги долзарб муаммоларни ҳал этиш бўйича фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигининг инновацион ёндашувларини ишлаб чиқади</p>	<p>Давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудлардаги долзарб муаммоларни ҳал этиш бўйича фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигининг ривожлантириш борасида , 2018 йил 5-26 ноябр кунлари инновацион ривожланиш вазирлиги ЎзЛиДеП билан ҳамкорликда республикамизнинг барча вилоятларига (Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ҳамда Қашқадарё, Навоий, Бухоро, Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида) Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолияти, Инновацион ривожланиш стратегияси ва ЎзР. Президентининг 3697-сон Қарорининг мазмун моҳиятини ҳудудлардаги инновация йўналишига маъсул бўлган ҳокимликлар раҳбар ўринбосарлари, ОТМлар проректорлари ва тадбиркорларга тушунтириб бериш бўйича тадбирлар ўтказилди.</p> <p>Тадбир мобайнида давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудлардаги инновацион фаолиятга доир долзарб муаммолари, вилоят ва шаҳар-туманларда Инновация марказларини ташкил этиш механизми, инновацион ғоялар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар, тадбиркорлар томонидан давлат-хусусий шерикчилик асосида марказларни ташкил этишда тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди. Ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.</p> <p>Шунингдек, 2018 йил 29 октябрь – 2 ноябр кунлари Халқаро Вестминистр университетида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган университетлар инновациялар бўйича проректорлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси</p>

		<p>таркибидаги илмий тадқиқот Институтлари инновациялар бўйича директор ўринбосарлари иштирокида “Инновацион менежмент” ўқув-тренинг ўтказилди.</p> <p>Шунга қўшимча равишда, 12-15 ноябр кунлари Инновацион ривожланиш вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси ва Бунокбритания элчихонаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри инновациялар бўйича ҳоким ўринбосарлари ва ОТМлар проректорлари иштирокида инновацион менежмент курси ва 16 ноябрда халқаро “давра суҳбати” ўтказилди.</p> <p>Бундан ташқари йил давомида бошқарма томонидан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури белгиланган бандлардаги вазифаларни бажариш билан бир қаторда, 4 та хорижий мамлакатларнинг давлат бошқарувидаги инновациялар бўйича таҳлилий маълумотлар ва таклифлар тайёрланиб, тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этилди.</p>
3.	<p>Жамоат назоратини амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этади</p>	<p>Бошқарма томонидан инновацион технологияларни қўллаш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг юқори сифати, тезкорлиги, очиклигини таъминлаш, аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини ошириш вазифаси келиб чиқиб, шу билан бирга давлат органлари тизими фаолияти шаффолигини таъминловчи “Менинг назоратим” лойиҳаси ишлаб чиқилди ва чора-тадбирлар режаси тайёрланди, имзоланган учун Вазирлар Маҳкамасига топширилди.</p> <p>Мамлакатимизга “Менинг назоратим” тизимининг жорий этилиши биринчидан, фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизими устидан мониторинг қилишнинг ягона базасини яратишга, иккинчидан, давлат хизматлари сифатини мониторинг қилиш йўналишида маълумотлар йиғиш, уларни таҳлил этиш ва ўзаро таққослаш методикасини ишлаб чиқишга, учинчидан, давлат хизматларидан фойдаланувчилар билан ўзаро алоқалар тизимини, хусусан, фуқаролар, жамият ва бизнес вакиллари билан давлат органлари фаолияти, жумладан давлат хизматлари кўрсатиш бўйича маълумотларни олишнинг шаффоф тизимини яратишга хизмат қилади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5598-сон фармонида асосан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги “Менинг назоратим” тизимини амалиётга жорий этишни тўхтатди, бунга сабаб фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган этиб белгиланди.</p> <p>Шу муносабат билан Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази ДУКга жорий этилган ва жорий этилиши тўхтаб қолган лойиҳалар тақдим қилинди.</p>

		<p>Шулар қаторида жорий этилиши тўхтатилган “Менинг назоратим” тизими лойиҳаси кўриб чиқиш учун Электрон ҳукумат ва рақамли иктисодиёт лойиҳаларини бошқариш марказига тақдим этилди (<i>№02-08/769 сонли хат. 11.02.2019 й.</i>).</p>
4.	<p>Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларнинг ишлаб чиқилишини ташкил этади, илмий тадқиқотлар натижаларини тарғиб қилиш ва амалий фойдаланиш механизмларини шакллантиради</p>	<p>Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларнинг ишлаб чиқилишини ташкил этади, илмий тадқиқотлар натижаларини тарғиб қилиш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда БМТнинг Барқарор Ривожланиш Мақсадларида белгиланган асосий вазифаларнинг амалга оширилишига хизмат қилувчи инновацион ечимга эга тадқиқот лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Инновацион ривожланиш вазирлиги Тараққиёт стратегияси» маркази билан ҳамкорликда Инновацион тадқиқотлар миллий танлови ўтказилди.</p> <p>Танловнинг мақсади Ҳаракатлар стратегияси доирасида инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларнинг ишлаб чиқилишини ташкил этади, илмий тадқиқотлар натижаларини тарғиб қилиш долзарб муаммоларни хал қилишга йўналтирилган инновацион тадқиқотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.</p> <p>Танловда research.strategy.uz веб-сайти яратилиб, қуйидаги йўналишлар бўйича онлайн аризалар қабул қилинади, умумий ҳисобда 168 та номзод Стратегиянинг 5 та йўналишида ўзларининг лойиҳалари билан иштирок этишди ва яқунда мазкур танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Жами 15 нафар энг яхши лойиҳа соҳиблари; яъний 8 та танлов ғолибига 2 миллион сўмдан, 3 нафар иштирокчига 10 млн. сўмдан ва 4 нафар иштирокчига 20 млн. сўмдан пул мукофотлари танлов ташкилотчилари томонидан тақдим этилди. Танлов ғолибларининг лойиҳаларини соҳаларидан келиб чиқиб, мамлакатимизга кенг тадбиқ этилиши кўзда тутилган.</p>
5.	<p>Илмий-техникавий лойиҳалар, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг давлат экспертизасини амалга оширади</p>	<p>Давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилаётган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг 6 ойлик, 9 ойлик, йиллик мониторинги ва давлат экспертизаси ўтказилди. Илмий-техникавий кенгашлар хулосалари асосида самараси паст бўлган лойиҳалар тўхтатилди ва бўшаган маблағлар юқори самарадорликка эга лойиҳаларга қайта йўналтирилди.</p>
6.	<p>Давлат органлари ва ташкилотларида инновацион фаолиятни унинг самарадорлик индикаторлари асосида ўрганиш ва ҳолатини баҳолашни амалга оширади, мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича таклифларни йиғади ва умумлаштиради</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикасидаги Доимий вакиллиги ўртасида давлат бошқарувида инновацияларни тадқиқ қилувчи Инновациялар лабораториясини ташкил этиш тўғрисида англашув меморандуми имзоланди. Бугунги кунда Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Лабораторияни ташкил этилди. Лаборатория фаолияти доирасида БМТнинг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда бир неча тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, жорий йилнинг 20 сентябрь куни "Фуқароларни давлат хизматлари кўрсатиш ва улар сифатини яхшилаш жараёнига жалб этиш: Грузия тажрибаси" мавзусида семинар ўтказилди. Унда Грузия Адлия Уйи</p>

		<p>мутахассислари иштирок этиб, Грузия давлатида фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида амалга оширилган ишлар ва тажрибалари бўйича амалий тренинг ўтказилди.</p> <p>Бугунги кунда Инновациялар лабораториясини доирасида давлат органлари ва ташкилотларида фаолиятини такомиллаштириш, янги тўя ва таклифларни лойиҳа шаклга келтириш юзасидан экспертлар иштирокида турли мавзулардаги тадбирлар ва лойиҳа тақдимотлари ўтказилиб, самарадорлик индикаторлари асосида тахлиллаш ишлари тизимли равишда амалга оширилиб келинмоқда.</p> <p>Шунингдек, лаборатория доирасида жорий йилнинг 2018 йил 3–5 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури, Тошкентдаги Британия элчихонаси билан ҳамкорликда хорижий экспертлар, мамлакатимиз вазирликлари ва идоралари вакиллари, жамоат ва тадбиркорлик тузилмалари иштирокида Ўзбекистонда бошқарув инновациялари кунлари семинари ўтказилди.</p> <p>Мазкур тадбирларда Давлат органлари ва ташкилотларида инновацион фаолиятни унинг самарадорлик ҳолатини ўрганиш мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича таклифларни ўрганиб чиқилди.</p> <p>БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикасидаги Доимий вакиллиги, ҳамда Давлат ва жамият қурилишига инновацияларни жорий қилиш ҳамда тадқиқ этиш бошқармасининг Жамият бошқарувида инновацияларни жорий этиш бўлими билан ҳамкорликда 2019 йилнинг февраль ойида ўтказилиши кўзда тутилган “Тадбирлар режаси” тасдиқланди. Мазкур “Тадбирлар режаси”да ўтказилиши белгиланган 4 та тадбир Инновациялар лабораторияси доирасида ўтказилиб, унда 10 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат органлари иштирок этади.</p> <p>Жорий йилнинг 13 феврал куни соат 15:00 да Инновацион ривожланиш вазирлигида “Меҳнат бозорини тартибга солиш” мавзусида дастлабки тадбир бўлиб ўтади.</p>
7.	<p>Баҳолаш ва ўрганиш натижалари асосида илғор технологияларни биринчи даражада жорий этишни талаб қиладиган тегишли тармоқ ва соҳаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди</p>	<p>2018 йил давомида вазирлик ва идораларга тегишли йўналишларни ривожлантириш учун йўналтирилган 4та таклиф ишлаб чиқилди. Хусусан,</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) Ўзбекистон Республикасида Германия тажрибаси асосида Электрон коммерцияни ривожлантириш бўйича таклиф 17 августда Иқтисодий тадқиқотлар марказига юборилди. 2) «Божхона тизимида хорижий тажриба асосида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» таҳлилий маълумот ва таклиф 28 августда Давлат божхона қўмитасига тақдим этилди. 3) Давлат бошқаруви тизимида кадрлар захирасини яратиш, бошқарув кадрларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар 25 сентябрда Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига юборилди.

		<p>4) «Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини такомиллаштириш» бўйича таклифлар ОЎМТВ, ХТВ ва Ўз.Рес. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига октябр ойида юборилди.</p>
<p>II. Тез ўзгарувчан жаҳон конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда иқтисодийнинг жадал ривожланишини таъминлаш бўйича стратегик ва олдиндан режалаштириш соҳасида</p>		
<p>8.</p>	<p>Экспорт географиясини диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодий тармоқлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда сафарбар қилиш, шунингдек, миллий брендларни тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади</p>	<p>Ўзбекистон Республикасида экспорт географиясини диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодий тармоқлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда сафарбар қилиш мақсадида мамлакатда кластер тизимини тубдан ислоҳ этиш, кластер концепциясини “ягоналаштириш”, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, Кластерда ягона мувофиқлаштирувчи ваколатли ташкилот ташкил этиш, “Кластер тўғрисида”ги қонунни ва ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш бўйича “Ўзбекистон Республикасида саноат равобатбардошлигини оширишда кластер ва кластер сиёсатини такомиллаштириш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга киритилди. Шунингдек, вазирлик ходимлари томонидан 2019 йил феврал ойида Россия Федерациясининг Кластер ва технопарклар уюшмасига кластер тизимларини таҳлил этиш ва хорижий тажрибаларни ўрганиш мақсадида ташриф буюрилди.</p>
<p>9.</p>	<p>Миллий иқтисодийни модернизация қила оладиган илмий, лойиҳа ва илмий-технологик ташкилотлари тизимини ривожлантириш, шунингдек, истиқболда илмий-техник салоҳиятни шакллантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқади</p>	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси раҳбарининг 2018 йил 30 декабрдаги 24306-хх,-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 2 январдаги 02/1-3-сонли топшириқдарига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев ҳузурида илмий тадқиқотлар олиб бориш ишларини жадаллаштириш, ёш олимларни тайёрлаш ва янги илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ; қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш бўйича Инновацион ривожланиш вазирлигида ишчи гуруҳ тузилди ва жойларда амалдаги ҳолат ўрганилиб, таҳлил натижалари умумлаштирилиб, таклиф ва тавсиялар асосида тақдим этилди.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 30-31 январь кунлари Жиззах вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар камда 31 январь куни вилоят фаоллари иштирокида утказилган йигилиши Баёнидаги тегишли топшириқларга асосан Жиззах вилояти фермер хўжалиқларида етиштирилган уруғлик пахта ва донни, нав ва авлодлар бўйича алоҳида жамғариш, стандарт талабларига мос равишда сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларини туғри ташкил этиш мақсадида, Пахтакор туманидаги “Семрут” кўп тармоқли уруғчилик фермер хўжалиги негизида ўз маблағлари ҳисобидан давлат-хусусий шериклик асосида 2019 йил июль ойигача уруғчилик корхонасини ташкил этиш белгиланган. Бу борада Бошқарма Уруғчиликни ривожлантириш маркази билан биргаликда ва Жиззах вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда уруғчилик билан фаолият юритадиган янги корхона ташкил этиш ишларини олиб бормоқда.</p>

10.	Худудлар инновацион фаолияти кўламини кенгайтириш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш, қолоқ туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш ҳисобига худудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасида табақалашувни қисқартиришга кўмаклашади	Ўзбекистон Республикасининг Фарғона водийси худудларида ишлаб-чиқаришни илмий-техник кўллаб-қувватлаш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида Наманган муҳандислик технология институти қошида синов “Саноатни илмий техник ва инновацион ривожлантириш” маркази ташкил этилмоқда. Лойиҳанинг муваффақиятли якунига асосан Республиканинг Олий таълим муассасаларида жорий этиш режалаштирилган.
11.	Иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади	Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишдан чиқди ва Сенатга киритилди. “Муқобил энергия манбалари” агентлигини ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ҳозирги пайтда Энергетика вазирлигига келишиш учун тақдим этилган. “Чиқариб юборилаётган иссиқлик, йўлдош ҳамда факел газларидан фойдаланган ҳолда кўшимча электрэнергиясини ишлаб чиқариш” Вазирлар Маҳкамаси Қарори лойиҳаси тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилди ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан талаб қилинаётган лойиҳага тегишли маълумотлар тайёрланиб, киритилмоқда.
12.	Янги эркин иқтисодий зоналар, технопарклар, саноат зоналари, логистика хабларини яратиш ва амалдагиларининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, шунингдек, республиканинг инновацион салоҳиятини оширишга кўмаклашади	Вазирлар Маҳкамасининг 721-сонли қарорига 2018 йил 11 сентябрда «Яшнобод» инновацион технопарки Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилмасига ўтказилди. Хоразм вилоятида инновацион технопарк ташкил этиш мақсадида “Хоразм вилоятининг илмий-техник ва инновацион салоҳиятини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси. жорий йилнинг 5 феввалида 06-10/68-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Президент Администрациясига киритилди. Кичик саноат зоналари, инновацион марказлар, технопарклар ва бошқа инновацион хўжалик юритувчи субъектлар бўйича алоҳида низом ва йўриқномалар ишлаб чиқилмоқда ҳамда, улар Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Қонун тасдиқланганидан сўнг қабул қилинади ва амалиётга жорий этилади
13.	Иқтисодиётни рағбатлантириш ва хусусий инвестицияларни биринчи навбатда инфратузилма объектлари ҳамда ресурс сарфи юқори бўлган тармоқларга жалб қилиш учун давлат-хусусий шериклик механизмларини	2019 йил 8 февраль куни 04-25/742-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармонининг 5 банди асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон

	кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади	Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Инвестицион ва бошқарув компаниялар фаолияти тоўғрисидаги Низом” Қарори лойихаси вазирлик ва идораларга келиши учун юборилди.
14.	Атроф-муҳитни ифлослантириш даражасини камайтирадиган экологик тоза технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқариш қобилиятини оширишни назарда тутувчи «яшил иқтисодиёт» технологияларини жорий этишга кўмаклашади	Атроф-муҳитни ифлослантириш даражасини камайтирадиган экологик тоза технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқариш қобилиятини оширишни назарда тутувчи «яшил иқтисодиёт» технологияларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеориология хизмати марказига 08.02.2019 йил 05-35/738 сонли хат билан Вазирлик томонидан ишчи гуруҳга номзоди берилди.
15.	Макроиқтисодий, солиқ-бюджет, пул-кредит параметрлари, шунингдек, интеграция жараёнларининг таъсирини баҳолаш билан ўзаро боғлиқликда иқтисодиёт тармоқларини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш сценарийларини шакллантиришга кўмаклашади	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига фискал сиёсатни янада такомиллаштириш бўйича 2018 йил 21 июндаги 04-12/2243-сонли хат билан таклифлар юборилган. Марқур хатда: - солиқ тўловчининг боқимасида махсус парваришлик мухтож оила аъзолари бўлса, болаларини таълимини тўлаётган ёки даромадини ипотека кредитни қоплашга йўллайдиган бўлса асосий солиқ ставкасини камайтирилиши; - Давлат сиоқ кўмитаси томонидан қўйиладиган жарималарни ижросини кейинга қолдириш. Яъни текшируви натижаларига кўра солиқ органлари тадбиркорлик субъектига ёзма равишда даъво билдирилиб, белгиланган муддат ичида тадбиркор томонидан мазкур даъвони қондиришига рухсат берилиши бўйича таклифлар берилган.
16.	Хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришга ва унинг тузилмасини тубдан ўзгартиришга, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ҳисобига унинг сифатини ва ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролинини оширишга кўмаклашади	Иқтисодиёт вазирлигига 05-34/5173-сонли хат орқали (31.10.2018 йил НБ-6-5/6-56-сон) жорий йилнинг 1 ноябрь куни Иқтисодиёт вазирлигида Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш, шу жумладан Ҳиндистон давлатининг хизмат кўрсатиш соҳасида эришган юқори иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш ва Ўзбекистон иқтисодиётига жорий этиш бўйича ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалар юзасидан ўз таклифлари юборилди. Инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишга тадбиркорларни кенг жалб қилиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни янада ривожлантириш юзасидан фаол тадбиркорлар, депутатлар, ёшлар, давлат ташкилотлари, шунингдек олий таълим муассасаларининг проректорлари иштирокида “Ўзбекистон 2030: Келажак тадбиркорлар назарида” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўтказилаётган давра суҳбатининг асосий мақсади: Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси доирасида инновацион тадбиркорликни ривожлантириш бўйича фаол тадбиркорларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ушбу йўналишдаги муаммоларни ўрганиш шунингдек, ҳамкорликда муаммоларнинг ечимларни тизимли ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

		<p>Бугуни кунда, Хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришга ва унинг тузилмасини тубдан ўзгартириш бўйича ҳалқаро тажрибалар ва иктисодий кўрсаткичлар, статистик таҳлили (экономический обзор) ўтказилмоқда.</p> <p>Шу асосида хизматлар соҳасини ривожлантириш юзасидан таклиф ишлаб чиқиш белгиланди.</p> <p>Хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришга ва унинг тузилмасини тубдан ўзгартиришга, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ҳисобига унинг сифатини ва ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини оширишга кўмаклашиш мақсадида “Инновацион платформа” концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Ушбу платформа Ўзбекистонда илмий-техникавий, инновацион технологияларни мужассам этган ягона портал тизими бўлиб тадбиркорларнинг ва илм фанни ўзаро ҳамкорлиги таъминлайди.</p>
17.	<p>Инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали туризм соҳасининг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашади</p>	<p>Ўзбекистон Республикасини Давлат маслаҳатчисининг 14.08.2018 йилдаги 14/01-3019-сонли топшириғини ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлик ходимлари томонидан 05-15/3670 сонли жавоб хати юборилди. Хатда Ўзбекистон Республикаси Сув омборлари ҳудудида эко-туризмни ривожлантиришда ва уни инновацион технологиялар билан кўриқлаш бўйича таклифлар берилди.</p> <p>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига 02-15/3850-сонли хат юборилди. Хатда Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини хорижий мамлакатларда янада оммалаштириш учун “Рангли чемоданлар” лойиҳаси юборилди ҳамда 21 сентябрь куни 04-13/5609-сонли жавоб хати олинди. Мазкур таклиф юзасидан барча мутассадди ташкилотларнинг фикр ва мулоҳазалари олинган ҳолда мазкур лойиҳани жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.</p> <p>Маданият вазирлигига, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигига, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига ҳамда Бош прокуратурага 05-15/3928 сонли хат юборилди. Хат орқали Туристларга шаҳар бўйлаб “Single tourist” тартибда саёҳат қилиш имконини берувчи “Аудио Гид” лойиҳаси тақдим этилди.</p> <p>Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 ноябрдаги Ф-5396-сонли “Туризм соҳасини жадал ривожлантириш масалаларини ўрганиш бўйича гуруҳлар ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда мазкур фармойиш юзасидан маданий мерос объектларида хизмат кўрсатишни ривожлантириш, сувенир маҳсулотлар турларини диверсификация қилиш ва ишлаб чиқиш ҳажмларини ошириш масалаларини ўрганиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ томонидан ўтказилган йиғилишда белгиланган топшириқлар (2018 йил 11 ноябр 1-сонли баён) бўйича ўз таклифлари юборилди.</p> <p>Президент девонининг 11-2806 хдфу-сонли топшириғини бажариш бўйича Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига 05-34/5310-сонли хат юборилди. Вазирлик туризм соҳасидаги муаммолар ва соҳани кейинчалик ривожлантириш учун ўз таклифларини юборди.</p>

		<p>“Smart Chain” компанияси билан ҳамкорликда Инновацион “Smart-карточка” янги йил табрикномалари лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда 300 ортик ташкилот ва корхоналарга шунингдек, етук олимлар ва ҳамкор ташкилотларга юборилди.</p> <p>Бугуни кунда мамлакатмизда туризм соҳасига ақли технологияларни жорий этиш бўйича Smart-туризм Концепцияси ишлаб чиқиш режалаштирилган. Ушбу концепция мамлакатимизда ақлли технологияларни туризм соҳасини янада ривожлантиришни тизимли ташкил этиш имкониятини беради.</p> <p>Ушбу концепцияни ишлаб чиқиш бўйича халқаро тажриба ўрганиш, ҳамкор ташкилотларнинг фикр ва мулоҳаларини олиш ишлари амалга оширилмоқда. Концепцияни ишлаб чиқиш бўйича масалага алоқадор ташкилотларнинг мутахассислари ҳамда етук олимларни жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳ ташкил этиш белгиланди.</p>
18.	Мамлакат иқтисодий-иқтисодий жадал ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этади	<p>Давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида бажарилиши 2019-2021 йилларга мўлжалланган амалий лойиҳалар ва бажарилиши 2019-2020 йилларга мўлжалланган инновацион ишланмаларнинг 1, 2, 3, 4, 5, 6 турлари эълон қилинди.</p> <p>Ушбу танловларда лойиҳаларнинг натижадорлига, иқтисодий самарадорлигининг юқорилиги бўлишига асосий эътибор қаратилди.</p> <p>Илмий-техник лойиҳалар танловига расмий мурожаатлар орқали келаётган таклифлар тегишли тартибда бошқарма ва бўлимларга экспертиза учун тақдим этилмоқда. Экспертиза натижаларига кўра ижобий хулоса олинган мавзулар шакллантирилиб, грант танловларининг 7-турига қўйиш учун раҳбариятга тақдим этилади.</p>
<p>III. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, унинг фаровонлигини оширишни таъминлаш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва прогноз қилиш, шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлай оладиган фан ва инновацияларни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш соҳасида</p>		
19.	Аҳоли фаровонлигини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва даромадларнинг табақалашувини қисқартириш мақсадида фуқароларнинг реал даромадларини таҳлил қилади	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2018 йил 21 июн куни 2018 йил инвестиция инфратузилма лойиҳалари рўйхатига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш чоралари натижадорлиги масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор баёнининг (2018йил 26 июндаги 10739-XX-сонли) 21-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси (“Концепция-2030”) га мақсадли прогнозлар ишлаб чиқилиб 2018 йил 30 августда Иқтисодий вазирлигига тақдим этилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20-октябрдаги “ Фарғона вилоятининг Ёзёвон таманида саноат, хизматлар соҳаси ва кишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 839-сонли қарорида белгиланган вазифаларни бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабати вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигидан таклифлар олиш юзасидан топшириқ киритилди.</p>

20.	<p>Аҳоли бандлигини, шу жумладан инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотлар маблағларини жалб қилиш ҳисобига оширишнинг илғор методларини жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабати вазирлигига “Рекрутинг агентликлари тўғрисида”ги ва “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида” ги қонун лойиҳаларига тегишли таклифлар берилиб, лойиҳа ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасига киритилган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5380-сонли Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабати вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасида ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қарори лойиҳасига бўлим мутахассислари томонидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилиб тақдим этилди.</p>
21.	<p>Манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда узлуксиз таълим, айниқса муҳандис-техник кадрларни тайёрлаш соҳасидаги тизимни тубдан такомиллаштириш, таълим хизматларининг ҳаммабоплиги ва сифатини ҳамда техник йўналишдаги мутахассисликнинг нуфузини ошириш бўйича таклифларни тайёрлайди</p>	<p>Манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда узлуксиз таълим, айниқса муҳандис-техник кадрларни тайёрлаш соҳасидаги тизимни тубдан такомиллаштириш, таълим хизматларининг ҳаммабоплиги ва сифатини ҳамда техник йўналишдаги мутахассисликнинг нуфузини ошириш бўйича таклифлар тайёрланди. Хусусан, олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларларни мақсадли тайёрлаш тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилиб тегишли вазирликлар билан келишган ҳолда тасдиқланди.</p>
22.	<p>«Хавфсиз шаҳар», «Ақлли шаҳар» концепцияларини жорий этишни, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш учун зарур шароитларни яратадиган маданий, спорт ва бошқа объектларни ташкил қилишни ҳам назарда тутувчи илғор стандартларни ҳисобга олган ҳолда фақат бош режалар, режалаштириш ва қурилиш лойиҳаларига мувофиқ изчил шаҳарсозликни таъминлайди</p>	<p>Аҳоли турмуш даражасини ошириш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва ҳудудларни ривожлантириш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича <u>Ҳаракатлар стратегиясида</u> белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасида «Ақлли шаҳар» технологияларини жорий этиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида қарори (18.01.2019й. №48) тасдиқланди. Бугунги кунда концепцияни амалга ошириш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлар олиб борилмоқда.</p> <p>Мамлакатимизда энергиятежамкор, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган янги турдаги инновацион қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялари ва ускуналарини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш, уларни қурилишда қўллаш кўламини кенгайтириш, намунавий лойиҳалар асосидаги уйларнинг лойиҳаларини замонавий ва арзон қурилиш материалларидан ва энергияни тежайдиган технологияларини қўллаган ҳолда такомиллаштириш ҳамда «Ақлли шаҳар» технологияларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Энергиятежамкор, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган замонавий қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялари ва ускуналарини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш ва уларни қурилишда</p>

		<p>қўллаш қўламини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳаси тайёрланди. Ушбу қарор лойиҳаси тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилмоқда.</p> <p>Ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш бўлими томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ҳамда “Ўзбекэнерго” АЖга таклиф билан киритилган “Smart Grid” инвестицион лойиҳасини амалга оширилмоқда. Ақлли тармоқлар” лойиҳаси бўйича 2019 йил 28 январда “Dreyfus Capital” компанияси ишлаб чиқарувчи компания раҳбарияти ва мутахассисларидан иборат делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди ҳамда тегишли соҳа вазирлик ва идоралар вакиллари билан учрашув ташкиллаштирилди. Ҳозирги кунда дасталабги натижалар ва ҳулосаларни олиш учун лойиҳани синов тариқасида жорий этиш учун “Хавсиз шаҳар” лойиҳасига доирасида муайян ҳудуд танланлаш ишлари олиб борилмоқда ва Тошкента шаҳар ҳокимияти билан келишув ишлар олиб борилмоқда.</p> <p>Пилот лойиҳасини тадбиқ қилиш учун шаҳар ҳудудини танлаш жараёнини тезлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигига 21.02.2019й. 05-31/949-сонли хат жўнатилди.</p> <p>Ушбу лойиҳа келгусида “Ақлли шаҳар” концепциясининг пойдевори бўлиши назарда тутилмоқда.</p>
23.	<p>Миллий транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, мамлакатнинг транспорт тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, мамлакатнинг халқаро транспорт магистралларига кўп вариантли чиқишини таъминлайдиган янги транспорт йўлларини яратиш, мавжудларини кенгайтириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни тайёрлайди</p>	<p>Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўлими томонидан Ўз.Р. Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги «Автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасида ишларни ташкил этишнинг илғор хорижий услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4035-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 16- бандидаги “Республикада йўл-транспорт инфратузилмасининг мақсадли параметрларини аниқлашда логистика самарадорлиги индекси методологиясига мувофиқ (Logistic performance Index) республиканинг транспорт логистика комплекси ҳолатини баҳолаш тизимини татбиқ этиш” юзасидан Логистика самарадорлигининг индекс методологиясига мувофиқ республиканинг транспорт логистика комплекси ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва жорий йилнинг 20 феврал куни 05-32/927-сонли хат билан тегишли вазирлик ва идораларга келишиш учун юборилган.</p> <p>Шу билан бирга Ўз.Р. қонунчилиги ва норматив ҳужжатларига транспорт тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, мамлакатнинг халқаро транспорт магистралларига кўп вариантли чиқишини таъминлайдиган янги транспорт йўлларини яратишга қаратилган таклифларни киритиш юзасидан тегишли маълумотлар таҳлил қилиниб, халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, ҳамда инновацион технологияларни қамраб олувчи таклифлар устида ишлар олиб борилмоқда.</p>

24.	Ўз ваколати доирасида турли соҳаларга инновацион маҳсулотлар ва технологияларни жорий этиш ва фойдаланишга қаратилган консалтинг хизматлари соҳасини яратиш ва ривожлантириш имконини яратади	<p>Вазирликнинг саноатни ривожлантириш бўлими ҳузурида “миллий экспертлар” гуруҳи ташкил этилди. “Миллий экспертлар” гуруҳининг асосий мақсади инновацион маҳсулотлар ва технологияларни саноатнинг барча тармоқларига кенг жорий этиш ва ҳудудлардаги ишлаб чиқариш соҳаларини самарадорлигини оширишнинг истиқболли дастурларини ишлаб чиқиш.</p> <p>Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 2 декабрь куни Тошкент шаҳрида олиб борилаётган қурилиш ободонлаштириш ишлари билан танишиш жараёнида берилган топшириқлар бўйича тайёрланган баёни (17.12.2017 й., 18136 - хх) 10-бандида келтирилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Ишлаб чиқаришга жорий қилиш хизматлари” бўйича Вазирлар Маҳкамасига “Илмий тадқиқот институтлари қошида “ишлаб чиқаришга жорий қилиш хизмати” (extension service) ни ташкил қилиш ва унинг аниқ мақсад вазифалари” лойиҳаси киритилган (февраль 2018 й.).</p>
IV. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва интенсив ривожлантиришга қаратилган инновацияларни жорий этиш соҳасида		
25.	Юқори технологияли тармоқларнинг маҳаллий хом ашё ресурслари негизида хом ашёдан тайёр маҳсулот даражасигача қайта ишлашни чуқурлаштиришга мўлжалланган фаол агросаноат сиёсатининг зарур механизмларини яратиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади	Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2019 йил 23 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада озуқабоп экинлари уруғлигини етиштириш, уларни истеъмолчи хўжаликларга тизимли етказиб бериш ҳамда тўлов тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси тайёрланди ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритилди. (02-02/414-сонли хат).
26.	Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустақкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқарилишини кенгайтириш, шунингдек, унинг аҳоли учун максимал ҳаммабоплиги ва хорижий бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича дастурларни тайёрлайди	Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2019 йил 28 январь куни “2019-2024 йилларда мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича миллий дастур”га ўз таклифларини тақдим этди (№02-21/532-сонли хат).
27.	Энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш имконини берувчи «Ақлли қишлоқ хўжалиги» концепциясига асосланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг замонавий синалган шакллари жорий этади	Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2019 йил 19 февраль куни Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ақилли қишлоқ хўжалиги концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қарор лойиҳаси тайёрланди ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш учун тегишли вазирлик ва идораларга киритилди. (02-12/912-сонли хат).
28.	Аграр секторда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини максимал даражада автоматлаштириш, устувор қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини жиддий	Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2018 йил 29 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада замонавий уруғчилик кластерларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси тайёрланди ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритилди. (02-15/6090-сонли хат).

	ошириш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий кўрсаткичларини яхшилаш, шунингдек, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этади	
29.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг савдо бозорлари ва уларни тўғридан-тўғри етказиб беришни кенгайтириш, уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашга кўмаклашади	Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 февралда ЎРҚ-521-сонли «Уруғчилик тўғрисида» Қонуни имзоланди.
V. Ижтимоий ривожланишга, шу жумладан таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида инновацияларни жорий этиш соҳасида		
30.	Таълим тизимида инновацияларни, шу жумладан ўқитишнинг замонавий ва интерфаол методларини жорий этиш орқали тарғиб қилади, рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни назарда тутувчи инновацион ўқув дастурларини ишлаб чиқишни таъминлайди	<p>Таълим тизимида инновацияларни, шу жумладан ўқитишнинг замонавий ва интерфаол методларини жорий этиш орқали тарғиб қилади, рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни назарда тутувчи инновацион ўқув дастурларини ишлаб чиқишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига тизимдаги малака ошириш институтлари самарадорлигини ошириш мақсадида 2018 йил 7 декабрда 06-09-/5617-сон хат билан таклифлар юборилди.</p> <p>Республика олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган таълим берилаётган барча бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва уларга киритилган фанлар дастурларининг мазмуни таҳлил қилинди. Таҳлиллар натижасида республика университет ва институтларида ўқитилаётган 280 та таълим йўналишларидан бор-йўғи 23 тасида (8,2%) илмий фаолият ва инновацияга алоқадор эканлиги маълум бўлди. Улардан 10таси илм-фанга, 13 таси инновацияга алоқадорлиги аниқланди. Вазирлик томонидан “Илмий фаолият ва инновация асослари” фанини барча бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларига киритилиши зарурлиги асослаб намунавий ўқув дастур тайёрланиб тақдим этилди.</p>
31.	«Инсон капитали»нинг сифат даражасини ошириш, республиканинг интеллектуал маҳсулотлар ва хизматларнинг жаҳон бозорида иштирокини кенгайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони билан 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тасдиқланди.</p> <p>Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш – стратегиянинг бош мақсадидир.</p> <p>ушбу бош мақсадга эришишда стратегиянинг асосий вазифалари белгиланди.</p> <p>Улар қуйидагилардан иборат:</p>

		<p>Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш;</p> <p>барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизиминининг иқтисодий эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;</p> <p>илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;</p> <p>инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шакллари жорий этиш;</p> <p>бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;</p> <p>мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;</p> <p>барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш.</p> <p>Шунингдек, инсон капитални ривожлантириш учун стратегиянинг 3-иловасида “Мақсадли кўрсаткич”лар 81 та кўрсаткичнинг 2 йўналиши “Инсон капитал ва тадқиқотлар” бўйича топшириқлар белгилаб олинди.</p>
32.	<p>Соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан касалликларни барвақт аниқлаш ва масофадан профилактика қилиш, шунингдек, аҳолининг узоқ умр кўриши учун кўшимча шароитлар яратиш ҳамда касаллик ва ўлим кўрсаткичларини пасайтиришни таъминлайдиган илғор технологиялар, «Ақлли тиббиёт» ва «Ягона тиббиёт ахборот маркази» концепцияларини жорий этиш орқали жадал ривожлантиришга кўмаклашади</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида” ги 11Ф-5308-сон Фармонининг 4.2-бўлими 147-бандида “Ақлли тиббиёт” ва “Ягона тиббиёт ахборот маркази” концепцияларини жорий этиш бўйича вазифалар белгиланган. Белгиланган вазифаларни ўз вақтида, сифатли амалга ошириш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан “Ақлли тиббиёт” концепция лойихаси ишлаб чиқилди.</p> <p>Мазкур концепция лойихаси ҳамда вазирлик ва идоралардан келган таклифлар 2018 йил 15 августда №03-12/3376-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилди.</p>
VI. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тизимига инновацияларни жорий этиш соҳасида		
33.	<p>Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қайта ишлаш, биологик</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2018 йил 2 февралда ўтказилган Атроф-муҳит ифлосланишини олдини олиш ва табиий ресурслардан оқилона</p>

	ландшафт хилма-хиллигини сақлашнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқишни таъминлайди	фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги юзасидан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбарияти ҳисоботи юзасидан ўтказилган мажлис баёни ижросини таъминлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳ таркибида бўлим мутахассиси ташкилий ишларда қатнашди, Инновацион ривожланиш вазирлигининг чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилиб тасдиқланди ва 2030 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий концепциясини ишлаб чиқишда иштирок этилди.
34.	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига инновацияларни, шу жумладан экологик тоза технологиялардан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни такомиллаштириш орқали жорий этиш бўйича таклифларни тайёрлайди	<p>Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига инновацияларни жорий қилишда чўл ҳудудларни ривожлантириш бўйича “Яшил чўл лабораторияси” Концепцияси ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий текшириш институти билан Яшил чўл лабораторияларини ташкил этиш бўйича иш олиб борилди. Шу билан бирга “Ўзбекистон Республикасининг чўл ҳудудларини ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони лойиҳаси тайёрланди.</p> <p>Муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланиш мақсадида янги “Талимаржон сув омборида янги гидроэлектростанциясини барпо этиш” лойиҳаси устида амалий ишлар олиб борилмоқда. Лойиҳани жорий этиш истиқболлари ўрганиб чиқилди. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослаш учун Техник топшириқ лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда ҳамда республиканинг бошқа ҳудудларидаги гидроиншоотларнинг истиқболларини ўрганиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.</p>
35.	Инсон ҳаётида экологик қулай шароитлар ва республика ҳудудини атроф- муҳитнинг трансчегаравий ифлосланишидан ҳимоя қилиш тизимини яратиш масалаларини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этади	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш илмий тадқиқот институти билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасининг экологик таълим тизимини ривожлантириш” Концепцияси ишлаб чиқилди.
36.	Табиий ресурслар, сувни тозалаш ва чучуклаштириш, ундан оқилона фойдаланишнинг замонавий шаклларида самарали фойдаланиш ва қайта ишлашнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишни ташкил этади	<p>Экологик муҳитни яхшилаш ва сув ресурсларини тежаш бўйича инновацион таклифлар ишлаб чиқилди ҳамда атроф-муҳит ифлосланишини камайтириш, сувдан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ва сув тежашнинг инновацион технологияларини амалиётга жорий этиш мақсадида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига таклиф киритилди.</p> <p>Бундан ташқари Геоинновация Маркази давлат унитар корхонаси билан ҳамкорликда “Ҳаводан сув ажратиш қурилмаларининг тажриба наъмуналарини ишлаб чиқиш” илмий лойиҳаси Концепцияси ишлаб чиқилди</p>
37.	Атроф-муҳитнинг ифлосланиши, атмосфера ҳавосига зарарли моддаларни	Атроф-муҳитнинг ифлосланишини олдини олиш шунингдек Орол денгизининг қуриб қолган қисмидаги шўрланган ерларда илмий-тадқиқот

	чиқариш, сув объектларига оқова сувларни чиқариш даражасини камайтиришга қаратилган инновацион технологик ечимларни ишлаб чиқади	ва амалий ишлар кўламини кенгайтириш, экотизимни яхшилаш ҳамда муносиб ҳаёт фаолиятини таъминлаш, тадқиқотлар ва инновацияларнинг илғор тажрибаларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси президентининг 16.10.2018 йил санасида 3975-ПҚ сонли қарори имзоланди
38.	Муқобил энергия манбалари, энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиш, экологик тоза автотранспорт ёқилғиси, чанг ва газ тозаловчи технологияларни ишлаб чиқиш бўйича инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларнинг амалий татбиқ этилишини кўллаб-қувватлайди	Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишдан чиқди ва Сенатга киритилди. “Муқобил энергия манбалари” агентлигини ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ҳозирги пайтда Энергетика вазирлигига келишиш учун тақдим этилган.
39.	Маиший ва саноат чиқиндиларини, шу жумладан энергия ва биоўғитлар ишлаб чиқариш учун қайта ишлашнинг юқори технологияларини жорий этиш бўйича илмий асосланган таклифларни тайёрлайди	Маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва Ўзбекистон Республикасида биогаз қурилмаларини жорий этишни кенгайтириш бўйича таклифлар ва чора тадбирлар ишлаб чиқиш ва олиб борилмоқда. Биогаз саноати ҳолатини муҳокама қилиш ва таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида 2019 йил 26 февралда Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтида “Маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва Ўзбекистон Республикасида биогаз қурилмаларини кенгайтириш” мавзусида давра суҳбатини ташкиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.
40.	Иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфи ҳажмини қисқартиради, ишлаб чиқаришга энергия самарадор ва энергия тежовчи технологияларни жорий этади	“Чиқариб юборилаётган иссиқлик, йўлдош ҳамда факел газларидан фойдаланган ҳолда қўшимча электрэнергиясини ишлаб чиқариш” Вазирлар Маҳкамаси Қарори лойиҳаси тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилди ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан талаб қилинаётган лойиҳага тегишли маълумотлар тайёрланиб, киритилмоқда.
VII. Давлат илмий-техник ва инновацион сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ҳамда грант асосида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг давлат илмий-техникавий дастурларини тасдиқлаш соҳасида		
41.	Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш ҳамда замонавий илм-фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади	Давлат илмий-техника дастурларини белгилашда лойиҳаларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш ҳамда замонавий илм-фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига қаратилишига қаратилишига эътибор қаратилди. Дастурларни белгилашда 16та фан йўналишларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари бўйича белгиланган вазибалар, Президентнинг жойларга ташрифлари давомида кўталирган муҳим вазибалар ечимларини амалга оширишга қаратилган тематикалар дастурга киритилди.
42.	Илмий тадқиқотлар, илмий ва инновацион фаолиятни молиялаштириш механизмларининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни тайёрлайди	Давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга ошириладиган, илмий тадқиқотлар, илмий ва инновацион фаолиятни молиялаштириш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-техник лойиҳаларнинг харажатларини режалаштириш, молиялаштириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаси қайта ишлаб

		чиқилган ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йил 30 ноябрдаги 02-43/5466-сон хати билан вазирлик ва идораларга келишиш учун юборилган.
43.	Инновацион тадқиқотлар, ғоялар, ишланмалар ва технологияларни рағбатлантириш, шунингдек, истиқболли фундаментал ва амалий тадқиқотлар ва новаторлик ғояларни, шу жумладан норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш орқали ишлаб чиқишнинг самарали тизимини яратади	Қарор лойиҳалари ишлаб чиқилди, тегишли вазирлик ва идоралар биланг келишиш учун Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йил 30 ноябрдаги 02-43/5466 сонли хатига асосан вазирлик ва идоралардан юборилган, вазирлик ва идоралардан олинган таклифлар асосида лойиҳа қайта ишланди.
44.	Илмий-техник салоҳиятни оқилона жойлаштириш ва самарали фойдаланиш, иқтисодий ривожлантиришга фан ва технологияларнинг ҳиссасини оширишга йўналтирилган фанни янада ривожлантириш соҳасидаги дастурларни амалга оширишни таъминлайди	<p>Давлат илмий-техникавий дастурларида илмий-техник салоҳиятни оқилона жойлаштириш ва самарали фойдаланиш, иқтисодий ривожлантиришга фан ва технологияларнинг ҳиссасини оширишга йўналтирилган, фанни янада ривожлантириш соҳасидаги лойиҳалар асосий вазифа деб белгиланди.</p> <p>Давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида бажарилиши 2019-2021 йилларга мўлжалланган амалий лойиҳалар ва бажарилиши 2019-2020 йилларга мўлжалланган инновацион ишланмаларнинг 1, 2, 3, 4, 5, 6 турлари эълон қилинди.</p> <p>http://mininnovation.uz/uz/competitions/?&page=</p>
VIII. Мамлакатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли сценарийларини ҳисобга олган ҳолда ноу-хауларни ишлаб чиқиш, инновацион фаолият ва рақобатбардош илмий-техника маҳсулотлари бозорини кенгайтиришга йўналтирилган замонавий технологияларни жорий этиш соҳасида		
45.	Ўзбекистонни инновацион технологияларни яратиш ва инновацион компанияларни жалб қилиш марказига айлантириш имконини берувчи шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади	<p>Вазирлар Маҳкамасининг 276-сонли қарорига асосан Инновацион ишланмаларни татбиқ этиш илмий-амалий маркази ташкил этилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси ВазирларМаҳкамасида 2018 йил 10 октябрда “InnoWeek.Uz” - Инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида Халқаро инновациялар ярмаркаси, Халқаро инновацион-инвестицой форум ва “International Robotics Challenge” халқаро робототехника мусобақасини утказиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирлар туғрисида ўтказилган йиғилиш баёни тасдиқланган.</p>
46.	Инновацион илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини рағбатлантириш, кўرғазма тадбирларини ташкил этиш, етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфаатли яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш учун давлат томонидан имтиёз ва преференциялар ажратиш орқали мазкур ишларни кўллаб-қувватлайди	Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Устувор инновацион, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва лойиҳаларини ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида танлаб олиш ва молиялаштириш танловида иштирок этиш учун 2018-2019 йилларда “СТАРТАП” лойиҳалар танлови эълон қилинган бўлиб, танлов учун жами 50,0 млрд сўм маблағ ажратилган. Ҳозирги кунда юридик ва жисмоний шахслардан томонидан Инновацион лойиҳалар 141 та, Тадқиқот лойиҳалари учун 157 та, Экспериментал дизайн лойиҳалари учун 48 та, ҳамда Стартап лойиҳалар учун 172 та жами 518 та лойиҳа тақдим этилиб, 514,9 млрд. сўмга тенг лойиҳалар қабул қилинган. Лойиҳалар танлов натижаларига асосан белгиланган тартибда молиялаштирилади.

		<p>Шунингдек, Инновацион илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини рағбатлантириш, кўргазма тадбирларини ташкил этиш, етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфаатли яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш учун давлат томонидан имтиёз ва преференциялар ажратиш орқали мазкур ишларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.</p>
47.	<p>Юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа муассасалар, илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар ва бошқа инновацияга йўналтирилган тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, шунингдек, уларнинг моддий-техника ва илмий салоҳиятини мустаҳкамлашга қўмаклашади</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5399-сонли Фармонининг 6-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг «Яшнобод» технопарки фаолиятини мувофиқлаштириш ва уни илмий-методологик таъминлаш ишлари бўйича ишчи органи сифатида белгиланган.</p> <p>Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги ПФ – 5527 “Идоралараро коллегиял органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони 1-иловасининг 8-бандига асосан “Яшнобод” инновацион технопарки Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг функциялари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги юклатилган.</p> <p>(Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 сентябрдаги 721-сонли қарорига мувофиқ «Яшнобод» инновацион технопарки Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилмасига ўтказилган)</p> <p>Ҳозирда, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги 2019 йил 7 февралдаги 26 сонли буйруғига асосан «Яшнобод» инновацион технопаркининг инновацион ишланмаларини танлов Комиссияси тузилган ва ҳозирги кунга келиб 2 мартаба Комиссия йиғилиш ташкиллаштирилган ва ўрнатилган тартибда Йиғилиш баёни тасдиқланган.</p> <p>Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 276-сонли қарорига асосан ташкил этилган Инновацион ишланмаларни татбиқ этишнинг илмий-амалий маркази, Илғор технологиялар маркази ва Яшнобод инновацион технопаркининг фаолиятини мувофиқлаштирилиб келинмоқда. Шу билан бирга ОТМларнинг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, ИТМларнинг Илм-фан бўйича директор ўринбосарларининг иш фаолияти мувофиқлаштирилиб, доимий мониторинг юритилмоқда.</p>
48.	<p>Инновацион технологиялар, бизнес-инкубаторлар, стартап-акселераторларни ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш бўйича замонавий илмий-технологик комплексларни етакчи жаҳон ишлаб чиқарувчиларининг ишлаб чиқариш қувватларини жалб қилиш орқали яратади, шунингдек, ИТ-</p>	<p>Илғор технологиялар марказида 2018 йилнинг 7-8 ноябрь кунлари ScienceThon интенсив тренинг-семинар ташкил этилди, семинар доирасида 50 та янги ғоялар тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимотлар кўтаринки руҳда, муҳокамаларга ва таклифларга бой тарзда ўтишини таъминлаш мақсадида бошқарма ходими лойиха эгаларига маслаҳатлар ва таклифлар бериб борди ва саралаш эксперт комиссияси таркибида эксперт сифатида иштирок этишди ва “С.А.Т. Science Accelerator” - стартап акселерация программаси учун 25 та янги инновацион лойихалар бирламчи танлаб олиндида қатнашди.</p>

	инфратузилмасини ривожлантиришга кўмаклашади	<p>Тақдимотда стартап акселерация талабларига тўғри келмаган, лекин моҳияти жиҳатидан лойиҳа эгаларининг лойиҳасини Инновацион ривожланиш вазирлигида шакллантирилаётган инновацион ғоялар банкига киритиш учун таклиф этилди.</p> <p>“STARTUP Бизнесингизни биргаликда юксалтирамиз” мавзусидаги бизнес конференцияси, Наманган вилояти, ICON инновация марказида тижоратлаштириш, тадбиркорлик ва стартап лойиҳаларга кўмаклашиш тематикасида семинарлар ўтказилди.</p> <p>Фанлар Академияси Навоий бўлимида устувор инновацион, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва «стартап» лойиҳаларни иқтисодиётга жорий қилиш бўйича маъруза ўтказилди.</p> <p>Илғор технологиялар марказида АҚШ элчихонаси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамкорлигида Марказий Осиёда биринчи GIST (Фан ва технологиялар орқали глобал инновациялар) стартап тренинг ўтказилди.</p> <p>Тренингда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон стартап жамоалар иштирок этди. Тадбир глобал тадбиркорлик ҳафталиги доирасида ўтказилди.</p> <p>Илғор технологиялар маркази ва тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари билан “Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси” ва “Стартап акселераторлар”ни яратиш бўйича 11 та учрашув ташкил қилинди.</p> <p>Жорий йилнинг январ-февраль ойларида Президент Администрацияси топшириғига кўра Хорижий тажрибадан келиб чиқиб Ўзбекистонда стартап-экосистемани яратиш бўйича таҳлилий материал ва “Йўл харитаси” тайёрланди и тақдим этилди.</p>
49.	Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларнинг ҳар йилги республика ярмаркаларини ташкил қилади ва ўтказиши, шунингдек улар доирасида тузилган шартномаларнинг бажарилишини мониторинг қилади	<p>2018 йилнинг 23-25 октябрь кунлари «Ўзэкспомарказ» мажмуасида хорижий илмий-инновацион марказлари, инвестицион фондлари, технологик агентликлари, технопарклар ва бизнес инкубаторларининг фаол иштирокида «InnoWeek-2018» Халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги бўлиб ўтди.</p> <p>Мазкур Халқаро инновацион ғоялар ҳафталигида республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан, шунингдек, 20 дан ортиқ хорижий давлатлардан турли соҳа вакилларига мансуб олимлар, мутахассислар, экспертлар, тадбиркорлар, дипломатлар иштирок этдилар. Умумий ташриф буюрганлар сони 5278 тани ташкил этиб, улар орасида 1966 нафар олим ва илмий мутахассислар, 668 та хорижий ва маҳаллий ишбилармонлар ва йирик компаниялар вакиллари ҳамда 53 та хорижий компаниялар ва етакчи илмий марказ мутахассислари фаол қатнашдилар.</p>
50.	Технологик ривожланишнинг узок муддатли эҳтиёжлари ва тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш, шу жумладан янги авлод транспорт воситалари, робот техникалари ва бошқа юқори технологияли	<p>Жумладан, 2018 йил 23-26 октябрь кунлари Халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги – “InnoWeek.Uz” да мазкур ҳафталик доирасида халқаро интерактив инновациялар ярмаркалари, халқаро инновацион-инвестицион форумлари ҳамда “Халқаро Робототехника танлови” ўтказилди.</p> <p>Инновация ҳафталигидан ўрин олган яна бир муҳим тадбир «International Robotics Challenge» доирасида турли тоифалардаги мусобақалар уч кун давомида ўтказилди.</p>

	<p>маҳсулотлар турларини маҳаллийлаштириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш борасида ташаббус қилади</p>	<p>Маълумот учун. «International Robotics Challenge» халқаро робототехника мусобақаси мамлакатимиз тарихида илк бор ташкил этилаётган бўлиб, унда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ва 16 ёшдан катта ёшлар ўртасида ўзига хос ноёб халқаро мусобақадир. Ушбу тадбир доирасида умумий ҳисобда 38 та жамоа, шундан 18 таси маҳаллий ва 20 таси дунёнинг 6 та мамлакатидан ташриф буюришди.</p> <p>25 октябрь куни мазкур мусобақа ғолиблари муносиб тақдирланди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон вакилларида иборат мусобақа ғолиблари яқунда Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, «ЎзЭлтехсаноат» АЖ, Қозоғистон робототехника федерацияси, Инновацион ишланмаларни татбиқ этишнинг илмий-амалий маркази, «Идрок» хусусий корхонаси томонидан муносиб тақдирланди.</p>
<p>51.</p>	<p>Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан яратилган интеллектуал мулк объектларини кейинчалик халқаро лицензиялаш мақсадида баҳолашга кўмаклашади</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги 3697-сон “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида марказларнинг интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказишга қилинган харажатларини қоплаш Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Мазкур Қарор асосида ташкил этилаётган инновацион марказларга келиб тушаётган ғоялар вазирлик Жамғармаси томонидан патентлаштирилади.</p>
<p>52.</p>	<p>Илмий-техника маҳсулотлари бозорини кенгайтириш, яратилаётган инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш ва инвестиция қилишни таъминлаш ҳамда уларни янги маҳсулот ва хизматларга айлантириш, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ҳамда узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган технологияларни яратиш соҳасида дастурий чора-тадбирларни ишлаб чиқади</p>	<p>Бугунги кунда 52 та инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Шундан саноат соҳасига 23 та лойиҳа, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасига 7 та лойиҳа, ахборот технологиялари соҳасига 3 та лойиҳа, қишлоқ хўжалиги соҳасига 19 та лойиҳа тўғри келади.</p> <p>Жорий йил 14 февраль ҳолатига 4 та ишланма бўйича 3,1 млрд. сўм қийматида инновацион маҳсулот ишлаб чиқарилган, шундан “Навоиазот” АЖда суперфосфат ўғитларини игшлаб чиқиш технологияси жорий қилинган бўлиб, 2,5 млрд. сўмлик 3 000 тн. Маҳсулот ишлаб чиқарилган;</p> <p>28 ишланма бўйича 19 та инновацион стартап компания тузилган. Бунда 15 та илмий-тадқиқот муассасалари, 6 та тижорат банки ва 6 та инвесторлар иштирок этишди;</p> <p>Шу билан бир қаторда вазирлик ТИФ Миллий банк, “Асака” АТБ ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ҳамда академик инситутлар билан ҳамкорликда тижоратлаштириш орқали умумий қиймати 50 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритишни кўзда тутувчи қўшимча 8 та лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, сузувчи понтон ишланмаси бўйича “Асака” АТБ томонидан 2,3 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилган.</p> <p>Шунингдек, тижоратлаштириш жараёнига давлат-хусусий шерикчилик механизмини жорий қилиш доирасида илмий муассасаларнинг инновацион стартап лойиҳаларига 100,0</p>

		<p>млн. АҚШ доллар инвестиция киритишга тайёр бўлган “Technology Group of America LLC” (АҚШ) компанияси билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ушбу компания томонидан Микробиология институти ишланмаси илмий ишланмасини тижоратлаштириш бўйича тасдиқланган инновацион компания учун 1,8 млрд. сўм миқдорда инвестиция киритилган.</p> <p>Бундан ташкари медицина соҳасига оид шаффоф элайнерларни ишлаб чиқариш бўйича 100 000,00 АҚШ долларга тенг булган Европа технологияси трансфери амалга оширилмоқда.</p>
53.	<p>Инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий этиш ва улардан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш, ўсиб келаётган новаторлар авлоди учун шароитлар яратиш, таълим муассасаларида инновацион дастурларни жорий этиш борасида имкониятларни яратиш бўйича амалий чора-тадбирларни рўёбга чиқаради</p>	<p>Инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий этиш ва улардан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш, ўсиб келаётган новаторлар авлоди учун шароитлар яратиш, таълим муассасаларида инновацион дастурларни жорий этиш борасида имкониятларни яратиш бўйича амалий чора-тадбирларни рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, Республика таълим марказига умумий ўрта таълим мактабларининг амалдаги ўқув режасини такомиллаштириш юзасидан 2018 йил 6 декабрда 06-09/5586-сон хат билан таклифлар киритилди. Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни жадаллик билан жорий этиш мақсадида “Зукко болалар мактаби” лойиҳаси 2018 йил 16 октябрда 03-12/4654-сон хати билан таклифлар юборилди. Айти пайтда мазкур лойиҳа Президент мактабларини ташкил этишда қўлланилмоқда.</p>
54.	<p>Юқори технологияли инновацион паркларни ташкил этиш ва уларда кенг қўламли инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш, илмий ҳажмдор ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади</p>	<p>Вазирлар Маҳкамасининг 721-сонли қарорига 2018 йил 11 сентябрда «Яшнобод» инновацион технопарки Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилмасига ўтказилди.</p>
55.	<p>Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва уларнинг жаҳон ахборот тармоғига интеграция қилиш, республиканинг инновацион ривожланган давлат сифатида нуфузини мустаҳкамлайди</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги 5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонининг 3-боб 3.3.-қисмида Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш йўналишида қуйидагилар назарга тутилган:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Телекоммуникация соҳасини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш тизимини, шу жумладан давлат-хусусий шериклиги асосида тадбиркорлик субъектлари иштирокини кенгайтириш орқали такомиллаштириш. 2. 2021 йилгача ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги хизматлар экспорти улушини улар умумий ҳажмининг 4 фоизига етказиш.

		<p>3. Барча операторлар учун халқаро телекоммуникациялар тармоқларига тўғридан-тўғри уланишни эркинлаштириш.</p> <p>4. Аҳолини ахборот-коммуникациялар технологияларидан фойдаланишга рағбатлантириш.</p> <p>5. Стартап лойиҳалар учун технопарк ташкил этиш орқали мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш тармоғини ривожлантириш.</p>
56.	Коинот ва сунъий йўлдош технологияларини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар соҳасида республика салоҳиятини оширишни таъминлайди	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги 5209-сон “Ўзбекистон Республикасида космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ишчи гуруҳи тузилди ва “Йўл харитаси” тасдиқланди. Ҳозирги кунда хорижий аэрокосмик компаниялар билан музокаралар олиб борилмоқда. “Суффа” халқаро радиоастрономик обсерваториясини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 146-ф-сон фармойиши ижросини таъминлаш бўйича Ишчи гуруҳи тузилди, “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва Россия Федерацияси ҳукуматининг ушбу лойиҳа бўйича маъсул идоралари билан музокаралар ўтказилди. Обсерваториядаги вазиятни ўрганиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги бошчилигида ишчи гуруҳ Жиззах вилояти Зомин туманининг 2350 м баландликда жойлашган “Суффа” РТ-70 расахонасига чиқиб амалдаги вазият ўрганилди ва келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар бўйича келишиб олинди. Жиззах вилоятидаги телескоб қурилмаси Суффа бўйича имзоланган “Йўл харитасига” вазирлик ўз таклифларини август ойида тақдим этди. октябрь ойида РФ Президентининг Ўзбекистонга ташрифи давомида мазкур ҳужжатга имзо чекилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.02.2018 йилдаги 5209-ф-сонли “Космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармойишини бажарилиши тезлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига 01.11.2018 йилдаги 01-08/4912-сонли хат билан таклиф ва эътирозлар юборилган.</p>
57.	Давлат илмий-техникавий дастурларининг бажарилиши, шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида илмий-тадқиқот ишлари натижаларидан фойдаланишни тизимли мониторинг қилади	<p>Давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида бажарилиши 2019-2021 йилларга мўлжалланган амалий лойиҳалар ва бажарилиши 2019-2020 йилларга мўлжалланган инновацион ишланмаларнинг 1, 2, 3, 4, 5, 6 турлари эълон қилинди.</p> <p>Ушбу танловларда лойиҳаларнинг натижадорлига, иқтисодий самарадорлигининг юқорилиги бўлишига асосий эътибор қаратилди.</p> <p>Илмий-техник лойиҳалар танловига расмий мурожаатлар орқали келаётган таклифлар тегишли тартибда бошқарма ва бўлимларга экспертиза учун тақдим этилмоқда. Экспертиза натижаларига кўра ижобий хулоса олинган мавзулар шакллантирилиб, грант танловларининг 7-турига қўйиш учун раҳбариятга тақдим этилади.</p>

58.	<p>Интеллектуал мулк объектга бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган патент ва бошқа ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва жадаллаштириш имконини берувчи қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади</p>	<p>Интеллектуал мулк объектини ҳимоя қилувчи ҳужжатларни олиш тартибини соддалаштириш мақсадида Инновация вазирлигининг 2018 йил 21 декабрьдаги 06-14/5911-сон ва 2019 йил 6 февральдаги 06-14/696-сон хатлари билан Интеллектуал мулк агентлигига таклифлар киритилган. Бунда қуйидагилар таклиф этилди:</p> <p>талабномани электрон тақдим этиш, муаллифларга юборилган талабномани кўриб чиқиш жараёнини онлайн режимда кузатиш каби имкониятлардан фойдаланиш шимконини берувчи Ягона электрон инфор­мацион тизимни жорий этиш;</p> <p>патент вакиллари фаолияти самарадорлигини аниқлаш мезонларини жорий этиш ва уларни Ягона электрон инфор­мацион тизимда жойлаштириш;</p> <p>жаҳон тажрибаси асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг интеллектуал мулк объектини ҳимояловчи ҳужжат олиш учун талабнома электрон шаклда тақдим этилган ҳолларда давлат божини белгиланган миқдорининг 0,5 ставкасида тўлов амалга ошириш;</p> <p>интеллектуал мулк объектлари соҳасида тизимли муаммоларни аниқлаш мақсадида илмий тадқиқот институтлари, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида бир йилда камида 2 марта сўров ўтказиш ва уларнинг натижаларини Интеллектуал мулк агентлиги веб-саҳифасида жойлаштириш.</p> <p>“Энг яхши ихтиро медали ва “интеллектуал мулк соҳасида” фаолият юритаётган энг яхши корхона мукофоти тўғрисида” кўшма қарор ва танлов низоми лойиҳалари иш тартибида кўриб чиқилди ва Интеллектуал мулк агентлигига таклифлар киритилди.</p>
<p>IX. Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш соҳасида</p>		
59.	<p>Чет эл инвестициялари, грантлар, халқаро ва хорижий молия институтлари маблағларини жалб қилиш мақсадида хорижий давлатлар, халқаро ва чет эл ташкилотлари, илмий жамғармалар вакиллари билан музокаралар олиб борилишини таъминлайди</p>	<p>IFC (Гонконг) билан чет эл инвестициялари, грантлар, халқаро ва хорижий молия институтлари маблағларини жалб қилиш мақсадида учрашувлар ўтказилди.</p> <p>2019 йил 12 февраль куни Инновацион ривожланиш вазирлигига Фан коммерциализацияси лойиҳаси раҳбари ва хусусий сеткор бўйича раҳбар Ерали Бексултан бошчилигидаги Жаҳон банкининг миссияси ташриф буюрди.</p> <p>Миссиянинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати вакиллари ва бошқа тегишли манфаатдор томонлар билан биргаликда тавсия этилган Фан коммерциализацияси лойиҳаси (ФКЛ) муҳокама қилишдан иборат.</p> <p>Қуйидагилар диққат марказида бўлди: 1) тадқиқот ва инновацион сиёсат ва дастурларга энг яхши ёрдам берилиши мумкин бўлган лойиҳанинг мумкин бўлган таркибий қисмлари; 2) мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳанинг амалга оширилиши мумкин бўлган механизмлари; 3) лойиҳани тайёрлаш режаси ва асосий босқичлари; ва 4) Жаҳон банки кредитининг мумкин бўлган миқдорини ва Ҳукуматнинг биргаликда молиялаш миқдорини.</p> <p>2019 йил 21 февраль куни Инновацион ривожланиш вазирлигига Жаҳон банки миссиясининг раҳбари, Европа ва Марказий Осиё худуди бўйича молия, рақобатбардошлик ва инновациялар соҳасидаги глобал амалиёт директори Альфонсо Гарсиа Мора ҳамда етакчи</p>

		<p>иқтисодчи ва мақсадли гуруҳ раҳбари Стефки Славовой ташриф буюрди. Жаҳон банки делегациясини Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдурахмонов ўз жамоаси вакиллари билан қабул қилди.</p> <p>Суҳбат чоғида вазирликнинг ва Жаҳон банкининг амалга оширилаётган ва режалаштирилган ишлари муҳокама қилинди. Жумладан, «Институционал имкониятларни кенгайтиришга техник кўмаклашиш» кредит линиясини тайёрлаш ва инновациялар бўйича янги кредит линиясини очишга ҳозирлаш масаласи суҳбат иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.</p> <p>Жаҳон банки Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштиришга қандай кўмак бера олиши ҳақида гапириларкан, мамлакатнинг инновацион ривожланиш йўлини танлаб, инсон капиталига катта эътибор қаратаётгани эътироф этилди.</p> <p>Инновацион ривожланиш вазири кейинги йилларда илм-фанни молиялаштириш тизими ўзгаргани – энди илмий-тадқиқот институтларга эмас, балки алоҳида лойиҳаларга мақсадли маблағ ажратилаётгани ва қўлга киритилган илмий изланишлар натижалари амалиётга татбиқ этилиши кутилаётганини айтиб ўтди.</p> <p>Илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, стартап-лоиҳаларни молиялаштириш ва стартапчилар билан малакали менторлар ишлашини таъминлаш ҳамда инновацион марказлар фаолиятини такомиллаштириш каби масалаларда фикр алмашилди.</p>
60.	<p>Манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Вазирлик ваколатига тааллуқли бўлган масалалар бўйича халқаро ҳамкорлик соҳасида чет эллик шериклар билан шартномалар тузишни мувофиқлаштиради ва таъминлайди</p>	<p>Инновация фаолияти соҳасида илғор хорижий ташкилотлар билан алоқаларни кенгайтириш соҳасида жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, Вазирлик фаолиятини тўғри ва самарали йўлга қўйиш учун АҚШнинг нуфузли “The Boston Consulting Group” консалтинг компанияси билан шартнома тузилди.</p> <p>АҚШ, Туркия, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерациясининг ҳукумат доирасидаги ташкилотлари ва етакчи илмий марказлари билан ўзаро англашув Меморандумлари имзоланди.</p> <p>2018 йилнинг 13 сентябрда Беларусь, 1 октябрда Ҳиндистон Ҳукуматлари билан фан, техника ва инновациялар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битимлар имзоланди. 22-26 октябрь кунлари миллий кўргазмалар комплекси “UzEkspoMarkaz”да чет эл илмий-инновацион марказлари, инвестицион жамғармалари, технологик агентликлари, технопарклари ва бизнес инкубаторларининг фаол иштирокида Инновацион ғоялар ҳафталиги – “InnoWeek.Uz” доирасида “Халқаро инновациялар ярмаркаси”, “Халқаро инновацион-инвестицион форум” ва “International Robotics Challenge” халқаро робототехника мусобақаси каби муҳим тадбирлар ташкил этилди.</p> <p>Мазкур инновацион ғоялар ҳафталигида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва республикамизнинг барча вилоятларидан, шунингдек, АҚШ, Туркия, Хитой, Австрия, Буюк Британия, Италия, Исроил, Нидерландия, Польша, Россия, Япония, Корея Республикаси, Сингапур, Эстония, Тожикистон, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон,</p>

		<p>Ҳиндистон, Афғонистон каби хорижий давлатлардан турли соҳа вакилларига мансуб олимлар, мутахассислар, экспертлар, тадбиркорлар ҳамда мамлакатимиздаги хорижий дипломатик муассасалар вакиллари иштирок этдилар.</p>
61.	<p>Илмий тадқиқотлар ўтказиш учун чет эл инвестициялари ва грантларини жалб қилиш мақсадида хорижий давлатлар, халқаро ва чет эл ташкилотлари, илмий жамғармалар вакиллари билан музокаралар олиб боради</p>	<p>World Bank билан илмий тадқиқотлар ўтказиш учун, чет эл инвестициялари ва грантларини жалб қилиш мақсадида учрашувлар ўтказилган.</p> <p>Халқаро фондлар ва молия институтларини жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги (2018 йил 10 сентябрьдаги 03-11/3906 сонли хат), Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (2019 йил 10 январдаги 06-24/190 сонли хат) фондлар жалб қилиш масалалари юзасидан муурожаат қилинди.</p> <p>HORIZON 2020” доирасиданги илмий техник лойиҳаларда қатнашиш юзасидан ЭРАСМУС+ Миллий офиси билан музокаралар олиб борилди (17.10.2018 йилдаги 03-11/4679 сонли хат).</p> <p>Европа Иттифоқи Тадқиқотлар ижроя агентлига Ташқи ишлар вазирлиги орқали хат юборилди.</p> <p>ЭРАСМУС+ Capacity Building in Higher Education доирасидаги танловларга 4 та лойиҳа топширилди.</p> <p>Ўзбекистон-Беларусь доирасидаги лойиҳалар танлови экспертизадан қабул қилиб олинди, натижалари бўйича Беларусь Фан ва технологиялар агентлигига маълумот тайёрланди.</p> <p>“Ўзбекистон-Германия 2016” лойиҳалари бўйича тегишли муассасалар ва танлов ғолибларини молиялаштириш юзасидан келишиб олинди (14.01.2019 йилдаги 02-24/268 сонли хат).</p>
62.	<p>Маҳаллий инновацион маҳсулотларни жаҳон бозорларида илгари суриш имконини берувчи илмий ишланмаларни халқаро лицензиялаш тамойиллари ва самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштиради, шунингдек, халқаро лицензиядан роялтини олиш механизмлари ва ҳажмларини белгилайди</p>	<p>Маҳаллий инновацион маҳсулотларни жаҳон бозорларида илгари суриш имконини берувчи илмий ишланмаларни халқаро лицензиялаш тамойиллари ва самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июльдаги ПҚ-3855-сон “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан тижоратлаштиришнинг 3 та йўли белгилаб берилди.</p> <p>Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрьдаги ПҚ-3876-сон қарорига мувофиқ илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармаси ташкил этилди.</p>
63.	<p>Маҳаллий инновацион ишланмаларга интеллектуал мулк ҳуқуқини тасдиқловчи халқаро патентлар, муаллифлик гувоҳномалари ёки бошқа ҳужжатларни олиш имконини яратади</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 11 та инновацион ишланмалар бўйича интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, илғор технологиялар марказининг 2 та инновацион ишланмаси АҚШда ва Ион-плазма технологиялар институтининг моносилан ишлаб чиқариш ишланмаси бўйича 5 та давлатда патент олинган.</p>

64.	Тадқиқотларни жаҳон даражасида ўтказиш, технологияларни трансфер қилиш соҳасида қонун ҳужжатларини бирхиллаштириш ва уйғунлаштириш, шунингдек, Вазирликка юклатилган вазифа ва функцияларни самарали бажариш учун юқори малакали олимлар ва мутахассисларни жалб қилади	<p>Мамлакатда инновацияларни ривожлантиришни жадаллаштириш, инновация фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни такомиллаштириш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш йўналишида 2018 йилда 2 та халқаро экспертлар жалб қилинди.</p> <p>Хусусан, инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва илмий ҳажмдор технологияларни трансфер йўналишига Жаҳон банкининг 100,0 млн. АҚШ доллар миқдорида кредит маблағларини жалб қилиш бўйича музокаралар олиб борилди. Жорий йилнинг февраль ойида Жаҳон банкининг вакиллари билан бўлиб ўтган йиғилишлар доирасида 2019 йилнинг якунигача 50,0 млн. доллар ажратилиши белгилаб олинди. Шунингдек, шу ташриф доирасида илмий тадқиқот институтлари илмий салоҳияти ўрганилди.</p>
------------	---	---